



Рауф Парфи Ва Эркин Воҳидов Шеърлари Тадқиқига Оид Айрим Кузатишлар

Рўзигул Қодирова Садуллоевна

Бухоро давлат университети

Аннотация:

Мақолада таниқли шеършунос олим Нўмон Раҳимжоновнинг Рауф Парфи ва Эркин Воҳидов ижоди ўрганилган тадқиқотларига хос хусусиятлар умумлаштирилган. Бунда икки улкан шоир шеъраларининг мазмун-моҳияти, жанрий таркиби, лирик образлар олами ёритиб берилган.

Калит сўзлар: бадий образ, қушча, чироқ, дарахт, най, нур, метафора, новаторлик, драматик дoston, жанрий ранг-баранглик, истехзо, фалсафий мушоҳадакорлик, публицистик даъват.

Кириш. Нўмон Раҳимжонов – ниҳоятда сермахсул олим, ижодкор. Адабий жараёнда бўладиган ўзгаришлар ҳамиша унинг эътиборида бўлиб келмоқда. Унинг замонавий ўзбек шеърятининг етук намояндalари ижодига оид назарий кузатишлари шеършунослик тараққётидаги ўзига хос муҳим босқич ҳисобланади. Шулар орасида Рауф Парфи ва Эркин Воҳидов асарлари таҳлил этилган мақолалар алоҳида ажралиб туради.

Асосий қисм. Маълумки, адабиётшунос кўп йиллар Рауф Парфи ижоди устида самарали изланди. Дастлаб улуғ шоир ҳақида мақолалар ёзди. Кейинчалик уларнинг камровини кенгайтириб, адабий портрет даражасидаги асарга айлантира олди. Бу олимнинг Рауф Парфи сайланмасини тайёрлаши жараёнида тўлиша борди. Рауф Парфи ҳаётлигида бундай сайланмани тартиб беришни бошлаган ва уни “Сакина” деб номлашни кўнглига туккан эди. Раҳимжонов улуғ шоир бошлаган ишни самарали давом эттирди. 2012 йилда олимнинг катта ҳаракатлари билан Р.Парфининг “Сакина” китоби дунё юзини кўрди. Китобдан шоирнинг турли йилларда нашр этилган тўпламларидаги энг сара асарлар ўрин олган.

Сўзбоши характеридаги “Энг гўзал сир (Шеърят ва шахсият)» деб номланган тадқиқот Р.Парфи ижоди ҳақидаги кейинги муҳим изланишлардан бири сифатида аҳамиятли. Адабиётшунос уни “Сир шоири, унвони сохир шеърят соҳибидир”, – дейди. Ҳақиқатан, Рауф Парфи шеърятни замонавий адабиётимизнинг ёркин саҳифасини ташкил этади. Дастлаб олим шоирнинг ижодий биографиясига хос муҳим чизгиларни беради. Шу ўринда шоир ижодининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши масаласига эътибор қаратади. Адабиётшунос тўғри таъкидлаганидай, ўзбек шоирлари томонидан Р.Парфига бағишланган шеърлар ўзи бир китоб бўлади. Бунинг сабабини олим унинг ўзбек



шеърияида мутлақо ўзига хос мактаб яратганида кўради. Шу тарзда олим Р.Парфини шоир қилиб этиштирган муҳит, у таълим олган масканлар ҳақида фикр юритади. “Асл шоирларнинг таржимаи ҳоли ниҳоятда қисқа, тақдирлари ниҳоятда узун бўлади. Туғилишу сўнги нафас оралиғида кечган умр, бу ёруғ қисмат, аччиқ кўргулик”.

Адабиётшунос Р.Парфи шеърияидаги бадий образлар: қушча, чироқ, дарахт, най, нур кабиларнинг моҳиятини очиб беради. Бу тимсолларга хос мажозийлик, метафорик фикрлаш тарзи ёритиб берилади. Олим шоирнинг илк шеърларига хос хусусиятларни теранлик билан таҳлил этади. Хусусан, шоирнинг дастлабки шеърларидаёқ адолатсизликка, тенгсизликка, ноҳақликка қарши исён руҳи мавжудлиги, руҳ эркинлиги, фикр эркинлиги, қалб ҳурлиги ғоялари уфуриб туриши “Чироқ ёнар – сўнги йўқ ҳасрат”, “Тонг отмоқда”, “Ёмғир эмас марварид ёғар” сингари шеърлар мисолида ёритилиб берилган. Шоир шеърларига хос серқатлам маъноли метафоралар моҳияти очиб берилган.

Адабиётшунос Рауф Парфи шеърияига хос новаторлик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Хусусан, шоир Эзгулик, Адолат, Гўзаллик ҳақидаги фикрларини умумбашарий қадриятлар қаторида ифода етган. Шоир шеърлари мавзулари ниҳоятда кенг ва серқўлам. Адабиётшунос Н.Раҳимжонов шоирни Турон-Туркистон мавзусидаги “Юрак”, “Она Туркистондир туркларнинг тожи”, “Уйғон болам”, “Туркистон ёди”, “Оғрик” сингари шеърларини таҳлилга тортади. Шу таҳлиллар давомида адабиётшунос Р.Парфи шеърияи Чўлпон шеърияи булоқларидан сув ичганлигини таъкидлайди. У, – дейди олим, Чўлпоннинг эркчилик ғояларини ривожлантирди. Чўлпон йўлини тутган Рауф Парфи ўзбек руҳини, ўзбек сўзининг қадри ва қаддини кўтарган, маданий-маънавий қадриятларни янгилашга, такомиллаштиришга, ривожлантиришга интиланган мунаввар шахсдир.

Маълумки, Рауф Парфи моҳир таржимон ҳам эди. У Байроннинг “Манфред” драматик достонини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган. Манфред мутеликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши ёниқ исён кўтаради. Шоир шеърларидаги эрка интилиш хусусияти, адабиётшунос олимнинг таъкидлашича, Байрон ижодининг таъсирида янада ёлқинланган. Шахс эрки, руҳоний эркинлик беназир қадрият эканлиги асосланган. Рауф Парфига кучли завқ берган ва руҳлантирган шоирлардан яна бири – Жорж Байрон. Инглиз романтик шеъриятининг даҳоси қаламига мансуб “Манфред” драматик достони Р. Парфи томонидан таржима қилинган. Адабиётшунос Н.Раҳимжонов бир мақоласида шоир билан бўлган ўзаро суҳбатдан шундай парча келтиради: “Манфред” менга жудаям ёкиб қолди. Ҳамма нарсани биласиз-у, аслида ҳеч нарса йўқ. Унда руҳият жадаям баланд, ўзгача. Руҳимга яқин. Унда шундай озод фикрлар борки, роҳатланиб қотиб қоласиз. Манфред – даҳшатли образ. Манфред – озод одам, ҳеч нарсага бўйсунмайди. Ва ҳеч қандай мутеълик кўринишини тан олмайди...”¹.

Бундан ташқари “Сакина” китобини тартиб беришдаги олимнинг яна бир муҳим хизмати шундаки, китоб сўнгида у илмий изоҳлар берган. Бу изоҳлар шоир шеърларининг ёзилиш тарихи, тўпламларининг яратилиши, шоир сатрларида яширинган тағмаънолар билан

¹. Парфи Р. Сакина. –Т.:Мухаррир 2013 – 376.Б.



боғлиқ. Шу билан бирга, олимнинг таъкидлашича, Рауф Парфи шеърнинг чинакам заҳматкаши эди. Шеърга шунчалар кўп ва хўб сайқал берардики, бу меҳнатга кўп йиллик умрини сарф етганлигини ўзи ҳам пайқамас, аниқроғи аҳамият бермасди. Шу боис у ҳар гал ижодга ўтирганида шеърларидаги сатрларни ўзгартириб юборарди. Мисол учун “Қандай гўзал, қандай ложувард” шеъри ўн олти сатрли. Ўн бешинчи мисрасидаги “Кўз тутмангиз бу кун йўлимга” сатридаги “бу кун” “энди” деб ўзгартирилган. Ёхуд “Мен кимнидир кутгайман маҳзун” шеъридаги “кутгайман” сўзи “кутаман” тарзида ўзгартирилган. Яна: “Оппоқ булут изғир саросар” шеърининг иккинчи тўртлиги учинчи сатридаги “нақадарлик” сўзи “нақадар, оҳ” тариқасида алмаштирилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Заҳматкаш олим шоир тўпламларини қиёслаган, шу асосда нозик кузатишларни амалга оширган. Бу кузатишлар асосида олим шоирнинг ҳамиша изланиш ва ижод билан банд бўлганлигини таъкидлайди.

Изоҳларнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, унда адабиётшунос шоир тўпламларининг яратилган йили, мундарижаси ҳақида мухтасар маълумот берган. Мисол учун: “Тасвир” мажмуаси қирқ икки шеърдан таркиб топган. Сайланмага киритилган шеърларнинг бир қисми ушбу нашрдан олинган; қолганлари шоир дафтарларида йиллар давомида ишланавериб чархланган асарлардир. Шу тарзда адабиётшунос шоирнинг бир қатор шундай “чархланган” шеърларини мисол сифатида келтиради.

Умуман олганда, Н.Раҳимжоновнинг “Сакина” китобига ёзган сўзбошиси шоирга бағишланган янги тадқиқот сифатида адабиёт илмини бойитишга хизмат қилади. Китобдаги изоҳлар ҳам олимнинг кўп йиллик машаққатли изланишлари маҳсули сифатида аҳамиятлидир.

Таниқли адабиётшунос Нўъмон Раҳимжоновнинг шеършунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотларида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовга муносабат масаласи алоҳида ўрин тутаяди. Олим бу жиҳатдан шоирнинг ижодий лабораториясига кириб, унинг бадиий маҳорат қирралари ёритилган. Бу ҳақда олим ёзади: «Шоирнинг кейинги йиллар изланишларида тўртлик, ғазал, саккизлик, эртақ, латифа, ривоят, мухаммас, чистон, рубоий ва х.к поэтик жанр шакллардаги бадиий баркамол намуналар яратилди»². бу шоир шеърятининг жанрий ранг-баранглигини кўрсатади. Қолаверса, бу хусусият Э.Воҳидовни мумтоз шоирларга яқинлаштиради. Олим таҳлилларга киришар экан, Э.Воҳидов шеърятининг мавзулар оламига назар ташлайди: “Шоир шеърятининг мавзу-масалалар уфқи кенгайиб, услубан бойиб бораётганлигини ҳам кўрсатади. Ижтимоий ҳамда маънавий-ахлоқий масалаларни бадиий идрок этишда аччиқ истехзо, фалсафий мушоҳадакорлик, публицистик даъват, ўйчан психологик кечинмалар, энгил юмор, ҳазил оҳанглари сингдирилган фожейи ҳақгуйлик балқиб туради»³. Бунда шоир ижодининг етакчи хусусиятлари мавзу кўламининг кенглиги билан боғлиқ равишда аниқланган. Бунда шоир шеърларидаги истехзо, фалсафий мушоҳадакорлик, публицистик даъват, психологик кечинма, энгил юморда намоён

². Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. –Т.:Фан 2007 – 120 б.

³. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърятини. –Т.:Фан 2007 – 120 б.



бўлиши кабилар етакчи хусусият сифатида намоён бўлган. Шу жихатдан олим Э.Воҳидовнинг “Бир томчи куёш ўйнар” номли шеърини таҳлилга тортади ва ёзади: “Шоининг 1963 йилда нашр этилган “Юрак ва ақл” тўпламидаги “Бир томчи куёш ўйнар” шеърисида ўқиймиз.

Бу ҳаёт гулбоғида
Баҳорий илиқлиг-у
Баҳорий тиниқлик бор.
Кўз очиб нур кўйнида
Кўрдим ёруғ дунёни
Бу оламда неки бор
Бари тортар ҳавасим
Лолалар қаҳқаҳаси
Чечаклар хандаси,
Ғунчалар юзидаги
Сал уялган табассум»⁴

Шу каби “Бир томчи куёш ўйнар”, “Тонг лавҳаси”, “Тасаввур” шеърларни назардан ўтказар экан, адабиётшунос шоирнинг 60-70-йиллар шеърисиде ҳаёт гўзаллигини, маънавий ахлоқий гўзалликни куйлаш, тараннум этиш хусусияти етакчилик қилганлигини таъкидлайди. Ёки «шоирнинг “Тонг нафаси», “Юрак ва ақл”, «Чароғбон» сингари тўпламларида гўзалликни тасдиқлаш орқали хунуқликка қарши курашиш, жамиятдаги ҳамда одамлар феъл-атворидаги ноқисликларни бартараф этиш, фош қилиш бош эстетик кредо эканлиги ҳам асосланган.

Шоир ижодининг илк давридаги фазилатлар “Бир томчи куёш ўйнар” , “Тасаввур” сингари шеърлари таҳлили жараёнида очиб берилган. Бунда адабиётшунос шоирнинг «жамиятдаги, одамлар табиатидаги хунуқликни, бадбинликни ва ноқислик кўринишларини деталлаштириб суратлантириш орқали гўзалликни улуғлаши» бадий парчалар мисолида асослаб берилган.

Умуман олганда, отахон адабиётшунос Нўмон Раҳимжоновнинг Рауф Парфи ва Эркин Воҳидов шеърисиде ҳозирги адабий жараён контекстида теран таҳлил этилган. Ҳар икки шоир ижодига хос бўлган жанрий ранг-баранглик, рамзийлик, кенг мушоҳада сингари хусусиятларнинг ёритиб берилиши замонавий ўзбек шеършунослигининг етакчи тамойилларини белгилашга ёрдам берган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Qo d i r o v a , R . (2022). НЎМОН РАХИМЖОНОВ - ПОЭТИЧЕСКИЙ УЧЕНЫЙ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (bux d u.Uz), 8(8).
2. Qo d i r o v a , R . (2021). AB DULLA AR IP O V'S WO R K DUR ING T HE YE AR S O F INDE P E NDE NC E IS INT E R P R E T E D B Y NUMAN R AKH IMJANO V . ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (bux d u.Uz), 7(7).

⁴. Раҳимжонов Н. Мустиқлик даври ўзбек шеърисиде. –Т.:Фан 2007 – 122 б.